

**«Капиталбанк» АТБ да
юридик шахслар ва якка
тартибдаги тадбиркорларга
Комплекс банк хизматлари
кўрсатиш бўйича Келишувга
7-Илова**

**Пластик карталарга иш ҳақи лойиҳаларига хизмат кўрсатиш
Тартиби**

I. ҚЎШИМЧА АТАМА ВА ТАЪРИФЛАР:

1.1. Мазкур Тартиб мақсадларида қўйидаги атама ва таърифлардан фойдаланилади:

МБХ – Масофавий банк хизматлари;

Рўйхат – Банкка ўрнатилган тартибда топшириладиган, Мижознинг иш ҳақи лойиҳасида иштирок этувчи барча ходимлари (ишчилари) рўйхатини ўз ичига олган ҳужжат;

Пластик карта - Банк ёки Ўзбекистон Республикасининг бошқа тижорат банки томонидан эмиссия қилинган, карта Сақловчисига Карта ҳисобварағи бўйича кўп марта транзакцияларни амалга ошириш имкониятини берувчи «UZCARD EMV» тизимининг сўмдаги микропроцессорли пластик картаси.

Тартиб – мазкур иш ҳақи лойиҳаларига хизмат кўрсатиш Тартиби. Мазкур Тартиб Банк Сайтида жойлаштирилган;

“Капитал-24” филиали – АҚБ “Капиталбанк”нинг “Капитал 24” чакана бизнес филиали (МФО 01158; код ОКЭД 64190; ИНН 207275139).

II. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

2.1. Ушбу Тартиб Мижознинг аризасига мувофиқ Томонлар учун мажбурий тус олади (кучга киради), ва унга мувофиқ Банк Мижозга, унинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, шунингдек пенсия, компенсация ва бошқа ижтимоий тўловларни Мижознинг ходимлари учун Банк томонидан эмиссия қилинган пластик карталарга ҳисоблаб тушириш тизимини (бундан кейин “иш ҳақи лойиҳаси”) жорий килади.

Бунда, Банкнинг танловига кўра, иш ҳақи лойиҳасига хизмат кўрсатиш мажбуриятлари, шу жумладан ҳисобвақларни очиш, тўлиғича “Капитал-24” филиалига юклатилиши мумкин. Бу ҳолатда Мижоз, Банкка тақдим этилган Аризадан ташқари, “Капитал 24” Филиали бошқарувчисига иш ҳақини ҳисоблаб тушириш учун транзит ҳисобвақ очиш учун алоҳида ариза тақдим этади, ва бу орқали “Капитал 24” Филиалида ҳисобвақ очиш учун шартнома тузилган ҳисобланади.

2.2. Мазкур Тартиб, Келишув, Банк Тарифлари, шунингдек Мижоз томонидан тегишли тартибда тўлдирилган ва имзоланган Рўйхат биргаликда Мижоз ва Банк ўргасида тузилган Иш ҳақи лойиҳасига хизмат кўрсатиш шартномаси (кейинги ўринларда — «Шартнома») ҳисобланади.

2.3. Мижоз Банкка, ёки “Капитал 24” филиалига Рўйхатдаги барча ўзгаришлар, шу жумладан ходим (ишчи) ишдан бўшатилган ёки ишга янги ходим (ишчи) олинган ҳоолатлар тўғрисида хабар қилиши лозим.

2.4. Иш ҳақи лойиҳасида иштирок этувчи ҳар бир ходимга (ишчига) Банк ёки “Капитал 24” филиали иш ҳақини ҳисоблаб тушириш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим этилган ҳужжатлар асосида карта ҳисобвараги (бундан кейин “карта ҳисобвараги”) очади ва Пластик карта тақдим этади. Иш ҳақи лойиҳасида иштирок этувчи Ходимга (Ишчига) Пластик карта у билан алоҳида тузиладиган “Жисмоний шахснинг UZCARD EMV сўмдаги пластик картасига хизмат кўрсатиш шартномаси”га мувофиқ (бундан кейин “Жисмоний шахс билан шартнома”) очилади.

2.5. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, шунингдек пенсиялар, компенсациялар ва бошқа ижтимоий тўловларни ҳар сафар ҳисоблаб туширишда Мижоз Банкка ёки “Капитал 24” филиалига Мижоз раҳбари ва бош ҳисобчиси (агар назарда тутилган бўлса) томонидан имзоланган ва муҳри билан (агар мавжуд бўлса) тасдиқланган қайдномани, унинг электрон шакли билан биргаликда тақдим этади. Агар Мижозга МБХ орқали хизматлари кўрсатилаётган бўлса, қайднома ЭРИ билан имзоланган ҳолда электрон тарзда (бундан кейин “электрон қайднома”) тақдим этилиши мумкин. Бу ҳолатда электрон қайднома Мижоз раҳбари ва бош ҳисобчиси (агар назарда тутилган бўлса) томонидан имзоланган ва муҳри билан (агар мавжуд бўлса) тасдиқланган қайдномага тенглаштирилади. Қайдномалар Мижоз томонидан Банк ёки “Капитал 24” филиали ўрнатган шаклда тузилади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Банк ёки “Капитал 24” филиалининг мажбуриятлари:

3.1.1. Тақдим этилган Рўйхатга асосан, Мижознинг иш ҳақи лойиҳасида иштирок этаётган ҳар бир ходими (ишчиси) учун, карта ҳисобвараги очиш ва жисмоний шахс ҳисобварагини очиш тўғрисидаги ариза, карта эмиссия қилиш (чиқариш) бўйича ариза, шахсни тасдиқловчи ҳужжат ва жисмоний шахс билан алоҳида тузиладиган Шартнома асосида карта ҳисобвараги очиш ва Пластик карта бериш;

3.1.2. Мижознинг аризасига асосан, Мижоз томонидан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, шунингдек, пенсиялар, компенсациялар ва бошқа ижтимоий тўловларни хисоблаб ўтказиш учун транзит хисобвараги очиш;

3.1.3. Транзит хисобварагига пул маблағлари тушганидан ва Мижоз томонидан тўғри тўлдирилган қайднома тақдим этилганидан кейин 2 (икки) банк иш куни ичида Мижознинг иш ҳақи лойиҳасида иштирок этаётган ходимлари (ишчилари)нинг карта ҳисобваракларига ушбу қайдномада кўрсатилган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, шунингдек, пенсиялар, компенсациялар ва бошқа ижтимоий тўловларни ўтказиш.

3.2. Мижознинг мажбуриятлари:

3.2.1. Иш ҳақи лойиҳасида иштирок этаётган ходимлари тўғрисидаги маълумотларни мажбурий равишда ўз ичига олган Рўйхатни қофз ва электрон шаклда тақдим этиш. Рўйхат Мижоз раҳбари ва бош бухгалтери (агар мавжуд бўлса) томонидан имзолангандан ва Мижоз муҳри (агар мавжуд бўлса) билан тасдиқлангандан бўлиши лозим. Агар Мижозга ДБХ орқали хизмат кўрсатилса, Рўйхат Банк томонидан белгилангандан шаклда электрон кўринишида тақдим этилиши мумкин;

3.2.2. Рўйхатдаги ўзгаришлар тўғрисида, улар ўзгарган кундан бошлаб 1 (бир) банк иш куни ичида Банк ёки «Капитал 24» филиалига хабар берниш;

3.2.3. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, шунингдек, пенсиялар, компенсациялар ва бошқа ижтимоий тўловларни транзит хисобваракка ўтказиш;

3.2.4. Пул маблағлари транзит хисобваракка ўтказилган куни мазкур Тартибнинг 2.5-бандига мувофиқ қайднома тақдим этиш;

3.2.5. Шартнома бекор қилингандан тақдирда, ишчилари (ходимлари)ни мазкур иш ҳақи лойиҳаси доирасида берилган Пластик карталарни Банк ёки «Капитал 24» филиалига қайтариш зарурлиги тўғрисида хабардор қилиш.

Банк, кўрсатилган хизматлар учун воситачилик ҳақи тўланмагандан тақдирда, воситачилик ҳақи учун пул маблағларини Мижознинг топширигисиз мемориал ордер орқали унинг Ҳисобварагидан ҳисобдан чиқариш (ўчириш) орқали тўловни ундириб олишга ҳақли ва бунга Мижоз ўзининг чакириб олинмайдиган сўзсиз розилиги ва хукуқини беради. Мижознинг ҳисобварагида Банк томонидан кўрсатилган хизматлар бўйича қарздорликни қоплаш учун етарли пул маблағлари бўлмаганида, қарздорликнинг тўланмагандан кисми акцептсиз тўлов талабномаси қўйиш орқали 2-сонли картотекага жойлаштирилади ва ушбу талабнома ўрнатилган тартибда ижро қилинади. Кўрсатилган тўлов талабномаси ҳеч қандай қўшимча тасдиқсиз Мижоз томонидан акцептлангандан бўлиб ҳисобланади.

3.4. Томонлар маҳфийликка риоя этишлари ва маълумотларни бошқа томоннинг ёзма розилигисиз тарқатмасликлари шарт, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

3.5. Томонлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва Келишувда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ

4.1. Банк ёки «Капитал 24» филиали қуйидаги хуқуқларга эга:

4.1.1. Мижоздан Банк Тарифларига мувофиқ воситасиликҳақи ундириш;

4.1.2. қуйидаги ҳолларда Мижознинг ходимларнинг карта ҳисобварагига иш ҳақи маблағларини кирим қилмаслик:

- Мижоз қайднома тақдим этмаганда;
- Мижоз томонидан тақдим этилган қайдномада хатоликлар ёки ноаниқликлар мавжуд бўлганда;

4.1.3. Мазкур Тартибнинг 4.1.2 кичик банди бузилган тақдирда, 3 (уч) банк иш куни мобайнида Мижознинг ходимлари(ишчилари)нинг карта ҳисобваракларига кирим қилиниши лозим бўлган маблағларни талаб қилиб қилингунча депозит ҳисобварагига қайтариш;

4.1.4. Мазкур Тартибнинг 4.1.2 кичик бандида кўрсатилган ҳолларда маблағларни ушбу маблағлар келиб тушган талаб қилиб олгунча депозит ҳисобваракка шу куннинг ўзида (агар ушбу кун календар ойнинг сўнгии куни бўлса) қайтариш;

4.1.5. Мижознинг Иш ҳақи лойиҳасида иштирок этаётган ходими (ишчиси) Банк Сайтида жойлаштирилган Пластик карталардан фойдаланиш бўйича йўриқномасига риоя қилмаган ҳолларда, ушбу ходим(ишчи)нинг Пластик картасига хизмат кўрсатишни тўхтатиб туриш.

4.2. **Мижоз** Банқдан ёки “Капитал 24” филиалидан хисобланган иш ҳақи Мижознинг ушбу иш ҳақи лойиҳасида иштирок этаётган ходимлари (ишчилари) карта ҳисобварагига кирим қилингандилиги тақдигини ёзма равишда сўраш ҳуқуқига эга;

4.3. Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Келишувда назарда тутилган бошқа хуқуқларга эга бўлиши мумкин.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Томонлар Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Келишув ва мазкур Тартибга мувофиқ жавобгарликка эга.

5.2. Мижоз томонидан Мижознинг иш ҳақи лойиҳасида иштирок этаёган ходим(ишчи)ларинин карта ҳисобваракларига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, шунингдек, пенсиялар, компенсациялар ва бошقا ижтимоий тўловларни карта ҳисобварагига қонуний ҳисоблаб туширилиши бўйича жавобгарлик Мижозга юклатилади.

VI. ЯКУНИЙ ШАРТЛАР

6.1. Шартнома Мижоз томонидан Ариза ва Рўйхат берилган пайтдан кучга киради ва томонлардан бирини ҳисобваракни ёпиш учун Банкка ариза тақдим этиш орқали бекор қилиш истагини билдирамагунга қадар муддатсиз ҳисобланади.

6.2. Шартнома қўйидаги ҳолларда эга бекор қилиниши ёки тўхтатилиши мумкин:

- Банк томонидан бир тарафлама, КБХ шартномаси ва мазкур Тартибда назарда тутилган ҳолларда;

- Томонлардан бирининг ташаббуси билан, бунда иккинчи томонни бекор қилиш режалаштирилган санадан 30 (үттиз) банк иш куни олдин ёзма огохлантириш шарти билан, бунда Мижоз барча мажбуриятларини бажарганилиги ва Банк олдида Шартнома бўйича қарздорлиги мавжуд бўлмаслиги шарти билан.

6.3. Шартнома бекор қилинганда ёки тугатилганда Томонлар ўз мажбуриятлари бўйича, агар бажарилмаган бўлса, ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишга мажбурлар.

6.4. Шартнома бекор қилинганда ёки тугатилганда, Банк Тарифларига мувофиқ ундирилган комиссион ҳақ тўловлари қайтарилмайди.

6.5. Шартнома билан боғлиқ низолар Томонлар ўргасида музокаралар орқали ҳал этилади. Агар музокаралар орқали низоларни ҳал этиш имкони бўлмаганда, низолар Келишувда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

6.6. Банк ва Мижоз ўргасидаги ушбу Тартиб билан назарда тутилмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Келишув асосида тартибга солинади.